

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси

АХБОРОТ

13 январь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясининг ялпи мажлислари давом этди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан Олий Кенгаш А. Муталовни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир этиб тасдиқлади, бундан аввал у Республика Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари лавозимда ишлаб келган эди.

Олий Кенгашнинг саккизинчи сессияси топиригига мувофиқ ишчи гуруҳ раҳбари депутат М. М. Мирқосимов Республика назорат органлари тизimini ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни баён этди. Фикрлашиб олинган кейин парламент янги орган — Республика Президенти ҳузурдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назоратини таъсис этиш ва айна вақтда халқ назорати комитетини тугатиш ҳақида қонун қабул қилди. Шу муносабат билан Олий Кенгаш Конституцияга тегишли ўзгаришлар киритди. Де-

путатлар Президент И. А. Каримовнинг таклифини қувватлаб, М. М. Мирқосимовни Давлат назоратининг раиси лавозимига тасдиқладилар.

Фан, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш комитетининг раиси А. Аскарлов таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар қонун лойиҳасини талабчанлик билан синчиклаб муҳокама қилганларидан кейин уни пухтароқ ишлаб чиқиш учун комитетлар ва комиссияларга юборишга қарор қилдилар.

Кечки мажлис бошланган пайтда сессия секретариатининг раҳбари А. Носиров депутатларнинг мурожаатлари билан ишлаш тўғрисида ахборот берди.

Шундан кейин йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси иккинчи ўқилишида муҳокама қилина бошлади. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов маъруза қилди.

Модда-модда муҳокама қилиниб,

овозга қўйилгандан сўнг қонун қабул этилди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети раисининг ўринбосари Э. Ҳ. Салимов иккинчи ўқилишда аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун ҳам қабул этилди.

Ўзбекистон Республикасининг алоқа тўғрисидаги қонун муҳокама этилди. Транспорт, йўл ҳўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг раиси Ф. З. Заҳриддиновнинг маърузаси юзасидан мазкур қонун қабул қилинди.

Депутатлар Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат телевидение ва радио эшиттириш комитетини Ўзбекистон Давлат телерадио эшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисидаги, У. А. Абдуразоқовни Республика ташқи ишлар вазир этиб тайинлаш ва Ш. Н. Маҳмудова бошқарушга ўтиши муносабати билан уни шу лавозимдан озод этиш ҳақидаги фармонларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон парламенти ўз ишини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИНING
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
БОШ ВАЗИРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Уртоқ Абдулҳошим Муталов Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазир этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙўЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
БОШ ВАЗИРИ

Абдулҳошим МУТАЛОВ

1947 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон районининг Телов қишлоғида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, мутахассислиги — технолог-муҳандис. 1978 йилда Бутуниттифоқ озиқ-овқат саноати сиртки институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкентдаги 2-нон маҳсулотлари комбинатидан ишчи бўлиб бошлаган. Совет Армияси сафида хизмат қилиб келгандан кейин Тошкент шаҳридаги нон маҳсулотлари комбинатларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1979—1986 йилларда Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинатининг директори бўлди. 1986 йилда Ўзбекистон ССР нон маҳсулотлари вазирининг ўринбосари, 1987 йилда эса вазир этиб тайинланди. 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикасининг халқ депутати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИНING
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ НАЗОРАТИNING
РАИСИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Уртоқ Мираҳмад Мирқосимов Мирқосимов Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузурдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назоратининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙўЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ НАЗОРАТИNING
РАИСИ

Мираҳмад Мирқосимов МИРҚОСИМОВ

1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, ихтисоси — механик-инженер. 1962 йилда Тошкент политехника институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1962 йилда «Герметик» технология ва машинасозлик марказий конструкторлик бюросининг муҳандиси бўлиб бошлаган, кейинчалик шу ерда бир қанча раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1973 йилдан партия ишида — Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва Марказий Комитети аппаратида ишлаган. Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар комитети, Хоразм ва Тошкент вилоят комитетларининг биринчи котиби бўлган. 1989—1990 йилларда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси бўлган. 1990 йилда Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси этиб тайинланган. Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси. Танаффус пайтидаги ўзаро суҳбат.

Суратқаш Р. ЖУМАНИЕЗОВ. (ЎзТАГ).

БИРЖАЛАР УЮШМАСИ

Тошкентда Урта Осиё ва Қозғистон биржалари уюшмаси бошқарувининг биринчи мажлиси бўлди. Учрашувдан кузатилаган асосий мақсад уюшманинг ишончини ишлаб чиқишдан, уюшма аъзолари ўртасида ягона ва пухта ало-

лаш, вужудга келадиган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш имконини беради. Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов қатнашди. (ЎзТАГ).

ҲУРМАТИМИЗНИ ОШИРДИ

Киевдаги сиёсатшунослик ва ижтимоий бошқарув илмий-тадқиқот институтида, Тошкентда Урта Осиё ва Қозғистон биржалари уюшмаси бошқарувининг биринчи мажлиси бўлди. Учрашувдан кузатилаган асосий мақсад уюшманинг ишончини ишлаб чиқишдан, уюшма аъзолари ўртасида ягона ва пухта ало-

қари Янгйўл ноҳиясидан фронтга жўнаётган пахта қарвонлари ҳам кўрғазмада ўз аксини топган. Ушбу кўрғазмадаги давлат кайфиятини кўтариб, Украин халқига бўлган ҳурмати янада оширди. У. ҲАМИДОВ.

ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИNING
ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА
Ўзбекистон Жумҳуриятининг Президенти этиб сайланганига муносабати билан Корея Республикаси халқи номидан энг самимий қутловларни қабул этгайсиз. Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистон Жумҳуриятининг халқи бундан буён ҳам зўр ютуқларга эришверишига аминман. Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида ҳам иқскала томонининг фойдаси йўлида мустақамлаверишига астойдил умидворман.

Яқин келажакда Сиз жаноби олийларига Сеулда пeshов чиқишдек ёқимли имкониятдан фойдаланишга муштоқман. Сизга сўхат-саломатлик ва олинган муддаоларингизда ҳар томонлама муваффақиятлар тилайман.

РО ДЕ У,
Корея Республикасининг Президенти.

Биз, Хиндистондагилар собои СССР ҳудудидан рўй бераётган инцидентлар ўзгаришларини зўр эътибор билан кузатиб турибмиз, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини барпо этишга Сиз қўшаётган ҳиссанинг аҳамиятини таъ олаётимиз. Жаноби олийлари, Хиндистон ташқи ишлар вазирини берган баёнотга назарингиз тушган бўлса керак, албатта, Шу баёнотда у ҳамдўстлигининг барпо этилишини ижобий қадам, деб баҳолади ва ҳамдўстлик давлатларини принцип эътибор билан таъ олинган қарор берилганини эълон қилди.

Шу мавриддан фойдаланиб, Хиндистон ҳукуматининг Ўзбекистонни мустақил давлат деб расмий равишда тан олиш ҳақидаги қарорини Сиз, жаноби олийларига шахсан билдириш мумкин. Бизнинг ниятимиз Сизнинг мамлакатингиз билан дарҳол дипломатия муносабатлари ўрнатилган иборат. Сиз ҳам бу истакка қўшилишингизга ишонаман.

Утган қирқ йил мобайнида Хиндистон — Совет муносабатларининг мазмуни ва руҳига амал қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги самимий, дўстона муносабат ва ҳамкорликни давом эттиришдан умидворман.

П. В. НАРАСИМХА РАО,
Хиндистон Бош вазир.

Сайловдаги зўр ғалабанингиз билан ва Сиз Ўзбекистон Жумҳуриятининг Президенти этиб сайланганингиз билан, шунингдек жумҳуриятингиз мустақил деб эълон қилиниши билан сизидилдан табрикларимиз билан ва ўзбек халқининг демократияшарафини ривожлантиришда ва бозор иқтисодига ўтишда муваффақият тилаш билан бирга мамлакатларимиз ўртасида дундаги янги воқеликка монанд самарали ва тенг ҳуқуқли муносабатларини ривожлантира олашингизга ишонаман. Болгария Республикасининг Президенти Доктор ЖЕЛЮ ЖЕЛЕВ.

Умумхалқ овоз бериши натижасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти юксак лавозимга сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимизни қабул этгайсиз. Сизнинг жумҳуриятингиз билан ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш

ва мустақамлашга катта аҳамият бераймиз. Мамлакатларимиз турмушида рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ҳам икки томонлама йўлда, ҳам халқлар майдонда сифат жиҳатдан янги асосда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлашда янги имкониятлар очинишига ишонаман.

Ўзбекистон Жумҳуриятининг тараққиети ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Пунсалмағийи ОЧЕРЕВАТ,
Монголия Халқ Жумҳуриятининг Президенти.

Жаноби олийлари! 1992 йилнинг дастлабки кунларида мусулмонларнинг жаҳон жамоаси ва «Матамар алалам ал-Исломи» жаҳон конгресси номидан сизга, халқингизга, давлатингизга, мамлакатингизга энг яхши тилаклар йўлашга руҳсат этгайсиз. Жумҳуриятингиз чеклашлар заъжирларини улотириб ташлаб мустақиллик олди ва бошқа давлатлар билан ўз алоқаларини кенгайтирмоқда. Истаймизки, сизларга Оллоҳ Ёр бўлсин, Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида мамлакатингиз тинчликсиз ва таракқийларар жумҳурият тарафидан раънақ топаверсин.

Доктор ИНАМУЛЛОХОН,
Мусулмонлар Жаҳон Конгресси «Матамар алалам ал-Исломи» Бош Котиби,
Карочи шаҳри, Покистон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ
КАРИМОВГА

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланганингиз билан «Экспортхлеб» ташқи иқтисодий акционерлик жамиятининг номаси номидан энг самимий қутловлар қабул этгайсиз. Сизидилдан шу юксак лавозимда самарали ишлар ва сўхат-саломатлик тилайман. Республика ташқи ишлар ва қорвонлари билан мустақам аламли алоқа қилиб турган жамоамиз Ўзбекистон аҳолиси ва халқ ҳўналинини доим ва ём билан барқарор таъминлаш дастурини рўйга чиқаришига ўзининг муносабати хиссасини қўшишга тайёр.

Чуқур ҳурмат билан «Экспортхлеб» ташқи иқтисодий акционерлик жамиятининг президенти О. КЛИМОВ.


Мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти лавозимига бутун халқ томонидан сайланганингиз билан Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилувчи туркистонликлар номидан астойдил табриклар билан, Сизга таъ сўхатлик, халқ томонидан ишониб топширилган ваъдани адо этишингизда энг яхши муваффақиятлар тилайман. Неъмат ВЕГИШ,
Туркистон-Америка уюшмасининг президенти,
АҚШ.

Геология хизмати — 65 ёшда

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ қазилма бойликлар акс эттирилган жўғрофий харитага назар ташлаётганимиз? Ундаги сонсиз-саноксиз, турли-туман белгилар қўзини қамраб турган гап. Улар олтин тупроқни еримиз қаъридан қазиб олинадиган ҳар хил бойликлар, очилган конларнинг акс эттиради. Санаб санаётган етолмайсиз. Ҳа, худдимиз шу қадар бойки, шу кунгача бу бойликлар фақат марказ тасарруфида бўлди. Эндиликда эса улар халқимиз ихтиёрида, жумҳуриятимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, жаҳон миқёсида ўз мавқенини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган.

Шуларни ўйлаганда уларни қидириб топиб, халқ хўжалиги ахтирлари учун хизмат қилдиришда жонбозлик, фидокорлик, матонат кўрсатган геологларимиз шайнига илиқ сўзлар айтганин келади. Бугун бунинг учун қулай имконият бор. Чунки, жумҳуриятимизда геология хизмати ташкил этилганлигининг 65 йиллиги тантанали, нишонланмоқда. Тарих учун жуда қисқа бўлган шу муддатда геологларимизнинг тинмай изланиши, фидокорона меҳнати билан юзлаб, минглаб қазилма бойликларни конларга топилди. Улар қиш соғуқларида ҳам, ёнғин жазирама иссиқларида ҳам тинмай ишлаганини. Унинг исмига эътибор берилди. Унинг исмига эътибор берилди. Унинг исмига эътибор берилди.

ХАЗИНА ИЗЛАБ...



Газ, нефть ва конденсат, ҳар хил рангли ва нодир металллар, маъданлар, қиммий металллар, ариқрама тошлар, кўлаб бинокорлик материаллари, ерошти сувлари ва бошқалар бор. Фойдали қазилмаларнинг чамаланган захиралари негизда 300 га яқин нефтьгаз конлари, шахталар, маъдан конлари, карьерлар, 300 га яқин сув, шифобахш, тур-

ли касалликларга даволаш ва ишлашларидан минерал сув манбалари ҳам бор. Геологларимиз томонидан очилган ноб ва йирик конларнинг ҳаммасини санаб ўтганидан бўлса, кўп вақтнинг олади. Лекин уларнинг

гайди. Кўмир қазиб чиқариш ва чинни-фаянс саноатининг, шилла ва қоллалаш материаллари ишлаб чиқаришнинг негизи барпо этилди. Жумҳуриятимизнинг ихтисослаштирилган илмий-ишлаб чиқариш комплекси бўлмоқда. Мураккаб тоғ-геологик шароитларда кон иншоотларини қуриш ишлаб чиқариш учун, замонавий асбоб-ускуналардан тобора кўпроқ фойдаланиладиган бўлиб қолди.



бўлиши геология-қидирув тармоғи геофизика, геохимия, космоаэросурутқашлик геологияси ва бошқа усуллардан кенг фойдаланмоқда. Уларнинг қазилма конларини қидириш, захираларини баҳолаш ва чамалаш ишларини амалга оширишдаги роли беқеъ бўлмоқда. Гидрогеология ва инженерлик геологиясига оид тадқиқотлар ўтказиш самараси яхши

Узбекистоннинг геология тармоғида меҳнат қилаётган илмий-хизматчилар ва мутахассисларнинг сони 32 минг кишидан ҳам ортиб кетди. 26 фан доктори ва 305 нафар фан номзоди геология фани ва амалиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган турли хил мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ишларига бошчилик қилмоқдалар.

Юқорида келтирилган фактлар бу касб эгаларининг меҳнати нақадар машаққатли, оғир, ленин айтиши вақтда шарафли ва зарур эканлигини далолат бериб турипти. Улар омон бўлса жумҳуриятимиз ҳудудларида, янги-янги қазилма бойликларни топилади. Улардан фойдаланиш йўлга қўйлади. Бундай яратувчиллик ишида уларга доим муваффақиятлар ёр бўлишига тилақдошимиз. Бугунги байрам кунда геологларимизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, оилавий бахт ва саодат, ҳозирги қийин яқтисодий иқтисодий шароитларда тушқунликка тушмаслигини, ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб, ўз олдларидан турсан вазиғларнинг тўла уддасидан чиқиб қолган иродалари бичқилмаслигини тилаб қоламиз. М. МИРҲАМИДОВ.

ПОИТАХТИМИЗНИНГ Оқтоб ва «Наврў» маҳалла фаоллари

Халқнинг талабини амалга ошириш учун «Оқлон» маҳалла қўмитаси фаоллари Ю. Ҳамидов, О. Ортинов, А. Абдураулов ва бошқаларнинг ҳаракатлари туғайли 1987 йилда мажлис қарор билан 250 фойдаланиш биносининг лойиҳаси тўзилди. Шу тарқатилган бўлиб қолди. Яқинда бу шифохона ишга тушди. — Мана уч йил давомида ҳали у ташкилотга ҳали бу раҳбарга югуриб, охири маҳалла аҳлига ниҳоятда зарур бўлган шифобахш даргоҳни битказдик, — дейди беш врач Раъно Инонтова. Поликленика учун зарур бўлган бутун хужалик буюмлар, асбоб-ускуналар, замонавий тиббий буюмлар вазиғлик ва шахар соғлиғини сақлаш бўлими томонидан тўлиқ таъмин этилди. Ҳозир поликлиникада учун таърибали, меҳнатсевар врачларни танлов йўли билан қабул қилмоқдамиз. Ҳозирча поликлиникада 50 кишига мўлжалланган жой ҳозирдади. Беморлар кундузи келиб консултатсия оладилар ва даволаниш уйларига қайтадилар. Яқин кунлар ичида кеча-кундуз беморлар даволанишлари учун имкон яратамиз. Х. ИҲУДОШЕВ.

ФАОЛЛАР ҲАРАКАТИ БИЛАН

мирлаб, фойдаланиш учун 2—3 ташкилотга топширдик. Аммо бу ташкилотлар бинога яхши эътибор бермадилар. Бора-бора бино атрофи аҳлатхонага айланди. Бундай лоқайдликни кўрган «Наврў» ва «Оқлон» маҳалла фахрийлари шахар Кенгаши, соғлиғини сақлаш вазиғлиги ҳамда район раҳбарларига мурожаат қилиб, шу бинода поликлиника очилиши илтимос қилдилар. Бу талаб ҳаққоний эди. Чунки «Оқлон» ва «Наврў» маҳалла атрофида минга яқин аҳоли яшайди. Бунинг устига район марказидан анча олис. Беморлар, айниқса, кексалар, ёш болалар оналар яқин ўртада поликлиниканинг йўқлигини жуда қийналардилар. Х. ИҲУДОШЕВ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

РОКЕАЛАР, ХАВАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЧЕГАРАЧИЛАР ҚАСАМЕДИ

УКРАИНАДА ҳарбийларнинг бу мамлакатта содиқлик ҳақида қасамд қилиш тантаналари давом этмоқда. Н. Гулик командирлик қилаётган отряд чегарачилари ана шундай тантанали оилари бошда, кенчдилар. Қасамд қабул қилиш маросимиде маҳаллий Кенгашининг раҳбарлари, чегара ҳимоячиларининг қариношлари ва яқинлари қатнашдилар. Дин вақиллари ҳам ёшларни дуо қилдилар. Уган яқинба кун Украина давлат чегараларини секлаш қўмитаси барча бўлимлари Ватанга содиқлик ҳақида қасамд қабул қилдилар.

ТУРКМИНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

УТГАН яқинба кун Туркминистон президенти С. Ниязов қабул қилган қарор билан сариёв ва қайнатилган қолбаса нарҳларини икки баравардан зиёроқ пасайтирди. Бугундан бошлаб республикада сариёвнинг килограмми 45 сўм, қолбаса эса кўпи билан 38 сўм туради.

ИЧКИ ҚУШИНЛАР ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Н. Назарбоев республиканинги ички қўшинлари тўғрисидаги фармонга имзо чекади. Ички қўшинлар жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, ахлоқ таътиши-меҳнат муассасалари ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларни қўриқлаш, Қозоғистон республикаси ҳавфсизлиги ва давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш вазифасини Бажарадилар.

ВИЛОЯТ БОШЛИҒИ — ГУБЕРНАТОР

ВОРОНЕЖ вилоят Кенгаши халқ депутатлари вилоят мажлиси Бошлиғини бундан буён губернатор деб аташга қарор қилдилар. Сессияда вилоят Кенгаши раис ваколатини ўзидан соқит қилиб губернатор бўлган В. Калашниковнинг таъкидлашича, «жаноб губернатор» деб мурожаат қилишга кўниқиб кетилса чакки бўлмайди.

БИР СОАТ ОЛДИНГА

РОССИЯ Федерацияси ҳукумати шу йил 19 январдан бошлаб Россия территориясида (Астрахань, Волгоград, Самара, Саратов, Киров вилоятлари ва Удмуртiston республикасида) соат милларини бир соат олдинга суриб қўйишга қарор қилди. Кечки ёру вақтин кўпайтириш ва электр энергиясини тежаш мақсадида ана шундай қарор қабул қилинмоқда. 1992 йил март ойининг охири яқинбадан эса соат миллари яна бир соат олдинга сурилади, Россия Федерациясининг бутун ҳудудиде «ёзги» вақтга ўтилади.

ДОНОРЛИККА

РАҒБАТЛАНТИРИШ УСУЛИ

ПРЖЕВАЛЬСК (Қирғизистон) кўрғони полииникелатрон пайда берида галати эълон қилинмоқда. У кўрғинга донолор эътиборини ўзига жалб қилди. Бу ердаги шифохона донолор кўни ўтказилиб, кўнгли қон тошларини шифо қилди. Бир соат олдинга сурилади, Россия Федерациясининг бутун ҳудудиде «ёзги» вақтга ўтилади.

Маҳалла қўмиталарида

ХАЛҚ КЎП НАРСАГА ҚОДИР

БЕКОВОД шахридаги Собир Раҳимов номли маҳаллада бўлсангиз баҳри дилингиз очилади. Бу жойлар кундан-кунга чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Бундай ибратли тадбирларни ўтказишда маҳалла қўмитаси ва фаолларининг хизмати катта. Бу маҳаллага ташкилотчи, ишбилармон О. Тўйчиев раҳбар бўлган, ишлар айниқса юришиб кетди. Унинг саяёҳаракати билан маҳалла қўмитаси учун янги бино барпо этилди. Унинг ёнида янги чойхона, новвойхона қад кўтарди. Бугун бу муассасалар маҳалла аҳлига хизмат кўрсатмоқда. Шу ҳудуддаги йўлларни асфальт қилишда ҳам маҳалла қўмитасининг хизмати катта бўлди. Хашар йўли билан барча йўл четларига мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Кўприклар таъмирланди, бошқа маданий-маиший тадбирлар амалга оширилди.

Яқинда шу маҳалла аҳлининг ташаббуслари билан янги масжид биноси қуриб битказилди. Бу халқ жуда катта кучга эга эканлигини яна бир бор исботлади. Чунки масжид асосан халқнинг ўз кучи, хашар йўли билан дунёга келди. Ҳозирги кунда бу ерда аски ўзбек тили ва араб алифбоси бўйича дарслар ўтказилмоқда. Масжид имомни Ақромжон Раҳмонбердиев нақлини аъёнларимизнинг тилашида бош-қош бўлаётган. Ҳа, маҳалланг ота-онанг деганлари тўғри экан. Маҳалла аҳлининг ҳамкорлигида, ҳамжиҳатлигида бир мақсад сари яқил ҳаракати жуда кўп ижобий ўзгаришлар бермоқда. Маҳалла қўмитасининг назаридан унинг ободончилиги ҳам ёшлар тарбияси ҳам четда қолмаган. Бу ишларни ташкил этишда маҳалла қўмитасининг А. Абдуназаров, У. Соҳиқов, Қ. Ниязметов, М. Турсунов каби фаолларининг хизмати катта бўлаётган. Н. ОТАБОВЕВ.

Барқарор ишлаётган жамоалар

ТОШКЕНТ чиннисининг таъриф-таъсифи оламга таралган десак, муболага қилмаган бўлаемиз. Нафислиги, замонавийлиги, энг юксак дидга, талабга жавоб бериши ҳаммага маълум. Уни ҳар қандай харидор жондон, деб сотиб олади. Афсуски, қўриқ вақтда ҳар

ЖАРАНГОР ВА

ким ҳам бунга эришолмайпти. Чунки чиннисининг маълакат ичида ҳам, хоридда ҳам талабдорлар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Шунинг учун илгари дўкнорлар пештахталарида онда-сонда пайдо бўлиб қолган бўлса ҳам эндиликда умуман кўринамай кетди. Ниҳоятда ноб буюмлар қаторига кўшилди. Шундай экан, бундай қўмларни ишлаб чиқариш бўйича жумҳуриятимизнинг етакчи корхонаси — Тошкент чинни заводи жамоаси қандай ишлапти? Айтиш мумкинки, умуман дуруст ишламоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати муттасил ошиб бормоқда. Иқтисодий таназул ниҳоятда кучайган, турдош ва материаллар ҳамда ошлар етказиб бериш корхоналар билан бир вақтлар мустаҳкам бўлган ўзаро ҳамкорлик ришталари чоқ-чонганда аниқ кўп, айрим мута-

да ҳам корхонада иш суръати бўшамайпти. Ақсинча, ижобий силжиларга эришилмоқда. Бу ўз сағита минглаб кишиларни бирлаштирган жамоа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг, кўйинги, ҳар бир чиннисонинг фидокорона меҳнати, изла-

ниҳбатан ошиб бораётган талабини муайян даражада қондиришга хизмат қилади. Бошқа ҳеч ва устакларда ҳам янги асбоб-ускуналар, илғор технология, илгор иш усулларини жорий қилиш тўғрисида давом этмоқда. Шундай омиллар туғайли жумҳуриятимиздаги барқарор ишлаётган камдан-кам корхоналар қаторидан тўшмайпти. Меҳнат жараёни бир маромда давом этмоқда.

Буни жамоанинг ўтган йилда иш натижаларидан ҳам яққол кўрса бўлади. Йил бошида тузилган режа барвақт удаланди, қўшимча маҳсулотни миқдорларга етказиб бериш ҳисобига белгилангандан ташқари қўрилган даромад бир неча миллион сўмликни ташкил этди. Шундай бўлган, олинган фойда ҳамми ҳам режалаштирилганидан анча ошди кетди. Бу корхонанинг иқтисодий-иқтисодий тараққиётини тезлаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Ҳамма жойдаги каби корхонада ҳам ишчи-хизматчилар оилаларини уй-жой билан таъминлаш кескин бўлиб турган бир вақтда олинган фойда миқдорининг кўпайиши жуда қўл келди. Корхона маъмурияти

касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб, ва жамоа фикрини ҳисобга олиб 99 хонадонли кўп қаватли замонавий уйни сотиб олди. Бунинг учун 4 миллион сўм ажратди. Унинг армини нақд тўлади. Қолган иккинчи армини бу йил тўлашни назарда тутмоқда. Бир йўла 100 та чиннисозлар оиласини уй-жойли қилиш катта савоб иш эмасми! Олинган фойдадан яна бир

катта хайрли иш учун бир ярим миллион сўм ажратилди. Бунинг учун чиннисозлар ва улар оилаларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун дам олиш минтақаси барпо этилди. Унинг жойи ҳам аниқ бўлди. Чимён атрофида ташкил этилган бу маскан уларча гектар ер ўрмонзорлару яёловларда юзга келади. Унда қишининг дам олиш йўлга қўйилади. Ҳар йили юзлаб ишчи-хизматчилар бу минтақадан ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар, шифобахш табиат қўйнида ором оладилар, сўнгга янги куч, янги қувват билан меҳнат кучоғига қайтадилар.

— Ҳозирги вақтда ҳар кунни корхонамизда бир мингтагага чинни чой ва кофе йиғмалари тайёрланмоқда, — дейишади чиннисозлар қандайдир ички гуруҳу билан. — Унинг ҳар бирини ўн дона атрофида чинни идишлари бор. Бу харидоригр маҳсулотни таёйрлаш муттасил кўпайтириб бораемиз. Яқинда яна бир чинни йиғмаси — «Лайло»ни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Олти нафар кишига мўлжалланган бу йиғма ҳам ўзининг кўркемлиги, жилваси — билан кўзга ташланади, харидорларга маткул бўлади деб ишонамиз... Чиннисозлар жумҳуриятимизнинг гўзал табиатини, халқимизнинг ажойиб анъаналарини ўзиде муҳасам этган жанрандор буюмлар ишлаб чиқаришини янада кўпайтирадилар деб, умид қилаемиз. М. МАҲМУДОВ.

ЖОРИҶАН ХАВАРЛАР

ТИНЧИЛИК БАҶАРАҚОР ВУЛАРИМИНИ?

НИҲОЯТ Хорватия ҳудудларида мана бир ҳафтадир, оқсониталик ҳужум сурмоқда. 3 январь кунин Сайрус Вонс ташаббуси билан тузилган аҳднома амал қилмоқда. Муҳолифликда бўлган ҳамма томонлар назкур шартномага риоя этишга ҳаракат қилмоқдалар.

7 январь кунин Оврүпо ҳамжиҳатини миссияси аъзоларининг вертолётда фожиа-нида ҳалок бўлиши эришилган ахлдорга раҳна солиши мумкин, деб кутулган эди. Бизор, ҳозирча бу ҳалокат тафсилотлари тафтиш қилинмоқда, айбдорлар топилди, жавобгарликка тортилди, деб кутулмоқда.

Титгоградда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ЮСФВ Раёвати аъзоси Борисав Йович сўзга чиқиб, Югославия харбий раҳбариятида ахлдор барқарор бўлиб тургани, у ерда қандайдир фожиа пиниб етилмақда, деб таянқитилган хабарлар ҳақиқатга тўғри келмади, деб айтди. Раёват аъзоларининг бундай баёнот билан қишқиргани яқинда «Борба» рўзномасида босилган бир хабар сабаб бўлди. Унда харбий исён кўтаришга уришиш бўл-

ганлиги тўғрисида гап борган эди. Бу хабарни ҳоридедаги оммания ахборот воситалари ҳам кенг тарқатдилар. Жумладан, харбий исён кўтарилишига Оврүпо ҳамжиҳатини миссияси аъзоларининг ҳалок бўлганлиги ҳам туртки бўлди, деб айтилган эди. Борисав Йович бундай талқинини рад этиб, ЮСФВ халқ мудофасаси иттифоқ котиби Белко Кадиевичнинг истеъфога чиқиши ҳеч ҳам бу ҳалокат билан боғлиқ эмас, балки у саломатлиги туғайли истеъфога чиқди, деб айтди.

ЖАЗОИР ПРЕЗИДЕНТИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

УТГАН шанба кунин Жазоир раёвати ва телевидениеси маълакат президенти Шадди Бенжадид истеъфога чиқиб тўғрисида қарор қабул қилганлигини эълон қилди. Жумҳурият олий Конституцион кенгаши истеъфонини қабул қилди. Бенжадид ўз мақтубида «Мамжадид ва яллат манфаатларидан келиб чиқиб, шундай қарор қабул қилганлигини баъд.

Ахборот агентликлари-нинг хабарига қараганда, президентнинг баёнотида истеъфонинг давомида сўнг дарҳол бир неча танк ҳукумат саройини ўраб ол-

ди. Армия қисмлари ҳам ноизин ҳуқуқларни эғалладилар. Шундан сўнг ҳукумат бинолари, телемарказ ҳамда бошқа муҳим жойлар армия бўлимайлари қўлга ўтди. Бош вазир Сид Аҳмад Гўзаллий баёнот бериб, пойтахтда харбий қисмлар унинг фармойиши билан киритилганлигини айтди. Яқинба кунин пойтахтда ахлдор барқарор бўлиб турди.

Жазоир парламентига бўлиб ўтган саяловлар натижасида саяловнинг иккинчи давраси ўтказилмади бўлди. Бу дарв 45 кунга қўзилди. Шадди Бенжадид истеъфога чиққандан сўнг давлат бўлиши вазиғини 71 яшар Абдуламедин Белхабиб бажаради. Саялов иккинчи даврасининг натижаси қандай бўлади? Кўчариш ислом фронти галаба қилгудек бўлса, Жазоир келажикда Шимолий Африкадаги биринчи ислом жумҳурияти бўлиши мумкин.

ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

ФИЛИППИНДА шахсият курул олиб юриши ва ундан фойдаланиш қонунини янада тақиқланди. Шу йил 11 майда Филиппинда пре-

зидентлик ҳамда парламент саяловлари ўтказилди. Матбуот шарҳчилари фикрича, юқоридаги қарор саялов арасида вужудга келиши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинди. Гап шундаки, Филиппинда мансабдор кишилар ўзларининг қурулланган гуруҳларига ва соқчиларига эғадирди. Бундай гуруҳлар сони ҳозир 129 тага етди.

БОШ ВАЗИР ДЕВОННИНГ ДАЪВОСИ

ЯПОНИЯ боз вазири девонини Эи-Эй-кей телекомпаниясига эътоб билдириб, у АКШ президенти Ж. Бушнинг Токиога сафарини пайтда боз вазир томонидан берилган эътифатда Ж. Бушнинг ўзидан келиб қолган жонини қўрсатмаслиги доғий эди, деб чиқди. Ж. Буш ўзидан келиб қолган пайтда Япония боз вазири Кити Мидаэва оғи остида ётган эди. Боз вазир матбуот хизмати вакилининг гапига қараганда, Эи-Эй-кей билан эришилган оғаки келишувига биноан у фақат икки раҳбарнинг нутқларининг эътиштирилиши лозим бўлган. Вақил боз вазирининг расий қароргоҳида ўтказилган гапнинг учун назкур телекомпания мухбирларига эътифатда ижозат берилмайдигани, деди.

ЯНГИЛИКЛАР ТУЛКИНИДА

ГЕРМАНИЯ бундеснебер учун 1993—2005 йиллар мобайнида курул-проглар ҳам-

да харбий техника сотиб олиш режаси доғрисида 43,7 миллиард марка ҳажмидаги маблагни қисқарттириш тўғрисида қарор қабул қилди. Боннда бўлиб ўтган мудоффа вазирилик ҳамда бундесвер раҳбарияти вакиллари иштирок этган кенгашида ана шундай тўхтамага келинди.

СОБИҚ Совет Иттифонидан келиб боз муҳожир оиласи Қуддуеда номатлул киши томонидан отиб ташланди. Рейтер ахборот агентлиги шу муносабат билан берган хабарига, Виктор Лениский деган кишининг ўн саккиз ой муқаддам Совет Иттифонидан келганлиги айтилди. Номатлул шахс «Узи» автомаши билан В. Лениский хонадонига бостириб кириб, биринчи бўлиб онла боллигини отиб ташлади. Унинг рафиқаси ва 21 яшар қиз ҳам ҳалок бўлди. Бостириб кирган номатлул шахс «ниятига етган», ўз курулдан ўзини ҳам ҳалок этди.

ИСПАНИЯ Вазирлар Кенгаши мустақил давлатлар ҳамдўстлигига қўшилган Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Туркминистон, Укра-

на ҳамда Ўзбекистон билан дипломатия муносабатларини ўрнаттиш тўғрисида қарор қабул қилди.

АМЕРИКА Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш Осиё-Тинч океан минтақасида жойлашган мамлакатлар бўлиб амалга оширилган ўн икки кўнлик сафарини сўнг Вашингтонга қайтиб келди. У сафар чоғида Австралия, Сингапур, Жапун, Ўзбекистон, Филиппин ва Корея халқда Японияда бўлди. АКШ матбурияти бошлиғи пойтахт яқинидаги Эндриос баёнасга тайёрада ўқиб келганидан сўнг «Бу муҳим таъриф муваффақият билан тугалланди» деб айтди.

МАДАГАСКАР пойтахти Антананариву марказида қад кўтариб турган В. И. Ленини ҳайкали олиб ташланди. Ҳайкал Ленини номидега майдонга ўрнатилган эди. Унинг ўрнига 1991 йил 10 август кунин президент Сароини ёнга келиб, норозини намоийини уюштирган ва отиб ташланган кишилар хонтирасига бағишланган ёдгорлик қўйилди. Аниқроқ қилиб айтганда, Совет давлати асосечини шарафига ўрнатилган пойдевор ўз жойида қолди, бироқ ундаги В. И. Ленини сиймоси ва унинг хоти-

расига бағишланган лавҳа олиб ташланди. Утган йили намоийин пайтда ўқна тутилган кишилар тўғрисидаги фотосуратга «10 август қўрбонлари хотираси» деган биттиқлар ёзилди ва ўрнатилди.

В. И. Ленини ёдгорлигига биринчи марта Малагасия ёшларидан бир гуруҳи бирмунча вақт илгари қасд қилган эди. Аммо тартиб нобозонлари уларни ҳайдаб юборишга муваффақ бўлган эдилар. Бу сафар эса ҳамма иш маъмуруларининг расий ижозати билан қилинди.

Ҳинд океанининг жанубий қисмидаги бошқа бир орол давлати — Маврикий эса ўз пойтахти Порт-Луи шахрида Совет давлати асосечининг ёдгорлигини сақлаб қоллишга аҳд қилди. Биз В. И. Ленини ҳайкалинин олиб ташламоқчи эмасмиз, В. И. Ленини фаолиятидаги ижобий ёни салбий жаҳатлардан қатъий назар унинг сиймоси жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эришиб бўлиб, исломинг тарихида абдий сақланиб қоллиши керак, — деди Маврикий ахборот вазирининг биринчи ўринбосари Анируд Рамживану ТАСС мухбири билан қилган сўхбатиде.

13 ЯНВАРЬ — РОССИЯДА МАТБУОТ КУНИ

МАЪЛУМКИ, Россияда биринчи рўзнома Петр I замонида мунтазам чиқа бошлаган эди. 1703 йил 13 январь кунин «Ведомости» рўзномасининг биринчи сони муштарийлар кўлига бориб теккан эди. Россия Олий Кенгаши Раёватининг фармони билан ана шу сана бундан буён тақвимининг кизил кунин бўлиб қолди. Энди 5 май ўрнига 13 январь Россия матбуоти кунин деб эълон қилинди.

ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

ВОРКУТАДАГИ «Ор-Шор» кони ёрдами участкалари жамоалари иш ташлиши давом эттирмоқдалар. Улар иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар. Иш ташлиш қон ҳэвтини издан чиқарди, кўмир қазиб қиларини тўхтаб қолди.

(МАТБУОТ ХАВАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

Бизнинг мусоҳаба

УН беш йиллик журналистик фаолиятимда биринчи марта шундай вазиёга рўбарў келдим. Гап шундаки, мен олдиндан келишилганга мувофиқ қабул қилган Абдумажид Машахобов билан унинг хонасида ролпа-роса 90 минут — бир ярим соат суҳбатни бошлай олмадим. Бунда меннинг ҳам, раиснинг ҳам айби йўқ. Аксинча, шароит шуни тақозо қилди. Мана шу бир ярим соат давомда мен хонада одамлар бошига тушган минг хил савдон, турли шахсий илтимослардан тортиб, жамоа муаммосини ҳам, одамлар кўз ёшию, хурсандчилигидан билдирган миннатдорчилигининг ҳам яна бир нарсани — суҳбатдошнинг ҳар бир нисонни диққат билан тинглаб, иложи борича ёрдам берганлигининг ҳам ғувоҳи бўлдим...

Бейхитёр бугун раҳбарларга ниҳоятда оғирлигини ҳис қилдим. Ичимда бўлса-да, уларга пўлатдек асабу, метирик сабр-тоқат тилдим.

Мен юқорида чизган манзара тўқима ёки муболага эмас. У ўзим бошдан-оёқ иштирок этган воқеадир. Бу Юқор Чирчиқ районидан Свердлов

номили жамоа хўжалигининг идорасида рўй берди. Энди ана шу тўқсон минутлик куттидан сўнг суҳбатлашишга муяссар бўлган шу хўжалик раҳбарини таништирай.

Абдумажид Машахобов, Ўзбекистон халқ депутати ва Тошкент вилоят Кенгашининг депутати. Шу ерлик халқ тили билан айтганда даврга мос раҳбар, халқ депутати. У бошчилиги қилаётган хўжалик вилоятдаги йирик, иқтисодий бақувват жамоа хўжаликларидан бири. Буни биргина рақам — хўжаликда 2 мингдан ортиқ киши меҳнат қилиши ҳам яққол кўрсатиб турипти. Ўнда қилиб айтганда бу ерда беистисно ҳамма соҳада — пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам, иқтисодиётда ҳам, ҳатто сабзавотчиликда ҳам бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса, оммалаштирса бўладиган ўзига хос тажрибалар етарли. Аммо мен Абдумажид Машахобов билан бу сафар депутат — раҳбар сифатида суҳбатлашмоқчи, унинг ҳозирги даврга, республикадаги воқеаларга муносабатини билмоқчи эдим.

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берсак тўғрироқ бўларди.

— Жуда тўғри таъкидладингиз. Шахсан ўзим буларнинг ҳаммасини тезроқ кўриб чиқишни тарафдориман. Энди халқимизда даромадга яраша буромад дейишди. Сиз юқорида жамоа хўжалиги томонидан қилиш ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган жуда катта тадбирларга ақратилган маблағларга тўхтадингиз. Сўзсиз уларни тўлиқ ҳаётга таъбиқ этиш учун хўжалик иқтисодий бақувват бўлмоғи керак. Демокчилик, Свсролов номили жамоа хўжалигининг иқтисодиёти қандай ахволда, 1991 йилни қандай яқулладинглар?

— Халқимиз қозонда бўлса чўмичга чиқди, дейди. Бунинг маъноси шунки, ҳар бир тадбирнинг замини бўлиш шарт. Биз уларни ана шундан келиб чиқиб белгилаймиз ва амалга оширамиз. Иқтисодий масалага келсак, бу ишлар учун даромадимиз, маблағимиз етарли. 1991 йилда хўжалигимиз меҳнаткашлари айниқса, баракали меҳнат қилдилар. Пахта, каноп, картошка, сабзавот, умуман барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режалари ортиги билан бажарилиди. 221 тонна гўшт сотдик, 3100 тоннадан зиёд сўт етиштирдик. Президентимизга раҳмат. Пахтанинг харид нархи оширилганлиги ҳисобига даромадимиз ҳам мўмай бўлди. Утган йили унинг миқдори 23 миллион сўмга етди. Унинг 7 миллион сўми сўп фойдаланди. Режадаги ҳосилнинг 5 фоизи ва ортқча пахтанинг ҳаммаси хўжалигимизда қолдирилганлиги янада яхши бўлди. Агар биз бу хом ашёдан тадбиркорлик билан фойдалансак, қўшимча даромад қилиш ёки бошқа зарур нарсаларга айрибошлашимиз мумкин.

Аммо хўжаликларда ҳамма иш рисоладагидек кетяпти, десак нотўғри бўлади. Шароит бизнинг олдимизга қўшимча муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, бир тонна 228 сўм турадиган аммофос ўғитининг нархи 2300 сўмга етди. Азотли ўғитлар икки барабар ошди. Энг универсал Т-28-Х4 трактори 5700 сўм турарди. Уч баравар кўтарилди. Эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур техника воситалари ҳам жуда қimmatлашиб кетди. Умуман, биз 1991 йилда пахтанинг харид нархи ошганлиги ҳисобига қўшимча 4 миллион сўм даромад олдик. Аммо шу билан биргаликда ҳаражатлар ҳам кескин ошди. Масалан, 1991 йилда 1990 хўжалик йилига нисбатан 3 миллион 200 миң сўм кўп ҳаражат қилдик. Кўриб турибсизки, пахта харид нархининг ошганлигидан олдин даромаднинг деярли бой бердик.

Шунга қарамай меҳнаткашларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш чора тадбирларини кўрдик. Ҳар бир ишловчининг ойлик маоши 1990 йилга нисбатан 40 фоизга кўтарилди. Бозор иқтисодиётига ўтишни муносабати билан иш қилиш яна икки баравар ошди. Абдумажид ака, бундан қўшимча турибсиз, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид нархининг оширилганлиги амалда хўжаликларнинг иқтисодий қийинроқдан кутқара олмас эканлиги. Бўйини сўрасангиз, биз узоқ вақт талашиб-тортишган ва турли мунозараларга сабаб бўлган иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўта бошладик. Сир эмас, бозорнинг ўз қонуниятлари бор. Энди истаимизки, йўқини, ишчимизни айниқса, ишлаб чиқаришни шунга мослаштиришга мажбуримиз. Акс ҳолда ҳар қандай ҳаракат бефойда бўлади. Ҳатто корхона, ташкилот, хўжалик иқтисодиётига ўз тутиши муқаррар. Ана шунинг учун ҳам айрича мутахассенлар бозор иқтисодиёти шароитида колхоз ва совхозлар ўзини оқламайди, деган мулоҳазани билдирдишмоқда. Аксинча ерларни халққа хусусий мулк қилиб бўлиб беришни тақлиф қилмоқдалар. Сиз бунга қандай

қарайсиз. Умуман колхоз ва совхозларнинг келажagini қандай кўрайсиз?

— Бу шу куннинг энг долзарб масаласи. Дарҳақиқат, ерларни хусусий мулк қилиб бериш керак, дегувчилар келинги пайтада кўнаиб қолди. Очирини айтганда мен ҳам бунга қарши эмасман. Аммо бир нарсани унутмайлик. Хусусий мулкни ҳам бошқара олиш керак. Бунинг учун кишида малака, иштироқ зарур. Қани, менга айтишсин-чи, ана шундай кишилар бизда ҳозирги дақиқда етарлими? Ахир Президент фармони бўйича тақсимланган 10—12 сотиқ ердан ҳам унумли фойдаланмаётганлар, ерининг умрини бежорга ўтказиб қўйганлар жуда кўп-ку. Қолаверса, Совет давлати ўзининг 74 йиллик фаолиятида одамларга оддий ташаббусни ҳам бўғиб ташлади-ку. Тағин бу гапларни раҳбарлик курсисидан айрилиб қилишдан қўриқиб айтмайлик, деб ўйламанг. Йўқ, демокчилик, биз аввало халқни хусусий мулкдан фойдаланишга ўргатишимиз керак. Менимча, бунинг энг тўғри йўли қишлоқларда эвдик билан ижарачи жамоаларни, фермер хўжаликларини ривожлантиришдир. Шу тариқа уларга ўзлари етиштирган маҳсулотни сотиш ҳуқуқини бериш керак. Шу йўл билан уларни хусусий молни сотишга, мулкдан фойдаланишга ўргата болишимиз лозим. Тадбиркорлар, ишбилармонлар кўпайган сайин уларнинг тажрибаси оммалашиб бораверади. Қарабсизки, даврнинг, шароитнинг ўзи ўша сиз ва биз таъкидлаётган ерининг ҳақиқий соҳибини тарбиялаб, волага етказиб қўлади. Ана шундан кейин биз ерларни ўн йил, йигирма йил, эллик йил, керак бўлса бутун умрга халққа беришимиз (албатта, унинг қадрига етадиганларга) мумкин бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида колхоз ва совхозларнинг тақдирини нима бўлади? Бу масалада ҳам ўзининг шахсий қарашларини бор. Менимча, бозор шароитида уларнинг истиқболини белгилочи йўл битта. У ҳам бўлса хўжаликларга тўла мустақиллик (қозғоғда эмас, амалда) беришдир. Энди юқоридан бериладиган турли режа-

қил фаолият кўрсатишни, савдо-сотиқни ўргатамиз.

Бир сўз билан айтганда биз одамларни ҳамма нарсани давлатдан олишга ва унга кўз тикишга ўргатиб қўйганмиз. Аксинча, эндиликда улар ҳамма нарсани ўзлари ишлаб чиқиринлар, яратсинлар. Шунга кўника ҳосил қилсинлар. Ана шундангина колхоз ва совхозларда ҳам чинакам ривожланиш бўлади.

— Абдумажид ака, мана, қишлоқ хўжалиги, унинг иқтисодиёти тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Навбатдаги саволим депутатлик фаолиятингиз билан боғлиқ. Мана, сиз республика Олий Кенгашининг сессияларида иштирок этасиз. Очирини айтгингиз, улардан доим ҳам қўнглингиз тўлайдими? Мен бу саволим бежиз беришман. Чунки сессия ишини ойнаган жамоа орқали кузатарганимиз, қўнгли депутатларнинг лоқайд, кеңирасизу, баъзан мудраб ўтирганларининг ғувоҳи бўламан. Ваҳоланки уларнинг ҳар бири масаладаги овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга-ку!

— Мен бу саволингизга жавобини яқинда ойнаган жамоада Беларусь республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. Шукевич билан бўлиб ўтган бевосита мулоқотда у келтирган бир масола билан бошламоқчиман. С. Шукевич бутунгиз кунда Беларусь Республикасида депутатларнинг парламентда ишлаш малакаси етишмаётганлигини жуда тўғри таъкидлади. Биз ҳам бундан мустасно эмасмиз. Баъзан бирон масала кўрилатганда шопма-шопчиликка йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки ҳар бир депутат фанат ўзи учун эмас, бутун сайловчилари номидан овоз бераётганлигини, фикр билдираётганлигини унутмаслиги керак.

Айрим депутатларимиз сессияларда оддий ахлоқий нормаларга ҳам риоя этмайдилар. Иложи борича ўзларнинг манфаатларини ўйлаб сўз оладилар. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Бундан бир йил муқаддам бўлиб ўтган сессияларни ҳозиргиларига солиштирсангиз депутатларимизнинг малакаси, фаоллиги тобора ошиб бораётганлигини билиб олиш қийин эмас. Демокчилик, парламентда ишлаш тажрибамиз, малакамиз, маданиятимиз шаклланиб бормоқда.

зарага сабаб бўлган бу тақлифим шу тариқа қолиб кетди. Аминман, бу қонуни тайёрлашда бизнинг мулоҳазаларимизни ҳисобга олишганда бунга йўл қўйилмаган бўлар эди. Фақат шунгина эмас, бошқа қонуларни муҳокама қилишда ҳам баъзан ана шундай тушунмовчиликлар бўлиб, улар ўтиб кетаяпти. Менимча, республиканинг Олий Кенгаши ҳар бир масалани шопмасдан муҳокама этиши ва энг тўғри йўлни таллаб олиши керак.

Шу ўринда сессиялар муҳокамага киритилмаётган масалалар, қонулар лойиҳалари Ўзбекистон халқ депутатларига жуда кеч юборилганлигини (баъзан уларни сессия куни қўлимизга беришди) ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу депутатларнинг қонуни лойиҳаларини чуқур ва атрофлича ўраниб чиқишларига ҳалақат бермоқда. Ўйлашманки парламентимиздаги бу нуқсонлар тез орада барҳам топади.

— Сиз ҳозир ҳам раҳбар, ҳам депутатсиз. Айтинг-чи, кишилар сизга кўпроқ хўжалик раис сифатида мурожаат қилишадими ёки депутат сифатида?

— Юқорида айтганимдек бугун халқнинг ташвиши кўпайган кезлар. Илгарилари фақатгина ўзимизнинг хўжалигимиз аъзолари мурожаат этишган бўлса, бугун уларнинг сафи уч-тўрт баробар ошган. Буларнинг ичиди шахсий илтимосдан тортиб, жамоа ташвишига бор. Ҳаммасини қўлдан келганча ҳал этишга ҳаракат қилаёلمан. Лекин энг муҳим ишни менга ишонч билдириб сайлаган сайловчиларим истиқомат қилмаётган ҳудудни газлаштиришдир. Бу иш 50 фоизга бажарилиди. Шунингдек, ичимлик суви масаласини ҳам ҳал этиш керак. Бу масалада жуда кўп ташкилотларга мурожаат қиламан. Афсуски, секциялик билан иккю этилмоқда. Бугунги кунда қишлоқларда ўзлапо ёқиб кун қўраётганларга қараб ачинаиб кетасан киши. Ана шундай бир пайтада хотиржам ўтириб бўладими, ахир. Аммо орага қайтиш йўқ. Сайловчиларимдан тушган нақани, уларга берган ваъдаларини бажариш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан.

Бугун одамлар сенинг юришигидан, туришигидан андоза оладилар. Буни ҳам

ЭЛНИНГ ВОЙЛИГИ



— Абдумажид ака, бугун ҳузурингизда ўтириб, ана бир бор собиқ Иттифоддаги тўполонлар, танглик, иқтисодиётдаги мураккабликлар, пировардида халқнинг турмушига нақадар катта салбий таъсир кўрсатганлигини, айни вақтда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ниҳоятда зарур эканлигининг ғувоҳи бўлдим. Одатда бирон мақола ёганда биз бу масалага суҳбатнинг охирида қисқача тўхталардик. Лекин бу сафар ана шу аънанани бузиб, қарши бўлмасангиз, суҳбатни шундан бошласан.

— Маъқул. Виласизми, аслида бугунги кунда бундан муҳим иш йўқ. Зеро, ҳамма нарсадан, ҳар қандай вазиёта ҳам инсон, унинг қадр-қиммати, ҳаёти юқори туради. Шу кезларда хўжалигимизнинг кеска деҳқон, 90 дан ошиб оламдан ўтган бир фахрийимизнинг гапини бот-бот эслашман. У киши бир кунги э болам, дунёда инсоннинг кўзи ниманидир илиқинда сенга мўлтирамин. Унга чидаш мушкул, — дер эдилар. Дароқе, олдинга ноқорликдан намадир сўраб келган кишининг кўзига қандай қарайсан. Ана шунинг учун ҳам биз — раҳбарларнинг энг асосий ишми тиз бунга йўл қўймаслик, сенга кўз тикиб турган инсонларни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий муҳофаза этиш бўлмоғи керак. Буни эълай олмасанг, раҳбарлик курсини бошқа бир тадбиркорга бўшатиб бермоқ, афзал.

Лекин шунки, республикамизда бунинг олдини олиш учун бир қатор эътиборга лойиқ чора-тадбирлар кўрилади ва кўрилмақдаки, уни юз қарра, миң қарра маъқуллашман. Аммо халқ ўртасида сиз сезган ўша ваҳима, ҳавотир мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бунинг туб сабаби назаримда республикамиздан ташқарида рўй бераётган воқеалардир. Буни ҳам рўй-рост айтиш керак.

гўшт, сўт етиштирса-ю, уни метёрида истеъмол қилмаса. Фаоллар билан қарор қабул қилдик. Ўзимизда боқилган 56 бош бурдоқни эҳтиёжини унинг сўйиб халқимизга тарқатдик. Янги йил арафасида яна 23 мол сўйиб байрам дастурхонига гўшт улашдик. Умуман йил давомида колхоз ҳисобидан ҳар бир оила 10 килограммдан гўшт олди. Нам таъминланган, кўп болали оилаларга жамоа хўжалиги ҳисобидан 5 та соғини сингир ҳада этдик.

Халқимиз болажон, Тўймаърақаси сероб. Буни ҳам ҳисобга олдик. Тўйлар учун 100 тонна шоли, қўшимча бугдой, сабзи-пиёз, қарам ва бошқа маҳсулотлар ажратдик. Аҳолига хўжалик ҳисобидан миң тонна кўмир олиб келиб тарқатдик.

Назаримда булар ҳам кам эди. Ахир қўлдан берганга қўш тўймас, дейдилар-ку. Шунга ҳисобга олиб жамоа хўжалиги аъзоларига шахсий чорва хўжаликларини ривожлантиришни маслаҳат бердик. Бу маслаҳат қўруқ бўлмади. Уларга жамоа хўжалиги ҳисобидан фозисиз сўдалар беришди. Утган йилнинг ўзида оилаларга қорамол сотиб олиш, уй-жойини тиклаб олиш учун ва бошқа мақсадларга 350 миң сўм пул берилди. Шахсий уй-жой қураётганларни хўжаликда етиштирилган маҳсулотнинг бартер усулида айрибошлаш ҳисобига ёғоч-тахта билан таъминлашмиз. Ҳар бир оилга кам деганда 4—5 куб метр қурилиш материаллари берилди. Хўжаликда 1991 йилда гўшт цехининг ишга туширилганлиги ва уни аҳолига арзонлаштирилган нархда сотилаётганлиги айни мўлдоо бўлди. Бу цехда йилга 700—800 миң донда иморатбон гўшт тайёрланмоқда.

Ҳамон гап таъминот ҳақида борар экан, мен ўзимни ташвишлантираётган бошқа бир масала хусусида алоҳида тўхташмоқчиман. Майли, биз-ку, ўз даламизда, чорвачилик фермаида етиштирилган маҳсулотларни ичимлик паразисидан халққа етказиб беришга ҳарақат қилаёلمиз. Лекин давлат томонидан талон бўйича ажратилган уч, шакар, нон, макарон, ёғ ва бошқа шу каби

маҳсулотларнинг тақчиллиги ёки нормадан кам берилаётганлиги халқимизни қийин аҳволга солапти. Депутат сифатида шу масала билан мунтазам шуғулланмоқдаман. Қачон қараманг, дўқонларда бу маҳсулотлар ё кам олиб келинган бўлади, ёки сабабсиз келтирилмайди. Сабабини сўрасангиз мутасаддилар турли баҳоналарни рўқча қилишади. Ваҳоланки айни шу пайтада чойғон бозорларида истаган маҳсулотнингизни топшириш мумкин. Ҳатто ун ва шакарни ҳам орда эшикдан устама нархда пуллаётганлигига чидаб бўладимиз, ахир. Ҳўш, нима учун биз бу ишларнинг ҳаммасинга бевари қараймиз. Менга қолса ана шу чойғончиликка қарши махсус қонун ишлаб чиқиш тарафдориман. Майли, ним хоҳласа ўзи бирор нарсани етиштириб, ишлаб чиқариб истаган нархда сотсин. Лекин давлат томонидан шундай ҳам энг кам миқдорда ажратилаётган маҳсулотнинг чойғон бозоридан кўриш, очғини чидаб бўлмас ҳолдир.

Ўрни келганда шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолисини ана шундай озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги тафовутни ҳам ўйлаб кўришни тақлиф этаман. Чунки юқоридагилар ўйлагандек ҳар бир қишлоқдаги хонадон ҳам гўшт, сўт, тухумни ўзида етиштириш имкониятига эга эмас. Бунинг натижаси нима бўлади? Амалда яна қишлоқ боласи сўт ичмайпти, сариёғ, тухум истеъмол қилмайпти. Гўшт анқонинг уруғлигича қолмоқда.

Сўнгги пайтада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини билан савдо қилувчи ҳар хил кооперативлар, кичик корхоналар ҳам ҳаддан зиёд кўнаиб кетди. Таяёрга айёр бу ташкилотлар амалда деҳқон етиштирган маҳсулотнинг даладан икки-уч сўмга олиб, чегарадан ўтказиб, 5—6 сўмдан пуллаштиради. Бир нарсалар демокчи бўлсангиз бизнинг руҳсатимиз бор, деб ҳужжатини рўқча қилишади. Бундай руҳсатимиз бериётган ўртак чуқурроқ ўйлаб кўрса ёмон бўлмайдими. Умуман фақат ери бўлган ва уни етиштиратган кичик корхоналарга сабзавот ва бошқа

ҲАММАМИЗГА БОҒЛИК

ларга, топшириқларга барҳам бериш пайти келди. Демокчиликни, палон гектар ерга пахта, яна палон гектар майдонга каноп ва шунча ерга сабзавот, картошка экансан, дейиш бозор шароитида кулгили бир ҳолдир. Биз ўзимиз ишимизни ўзимиз режалаштириб, олиб боришимиз керак. Яқинда мутахассислар билан ҳисоб-китоб қилдик. Бир гектар пахтадан 6400 сўм даромад олибмиз. Ваҳоланки, шунча жойга пиёз экиб, 50 тонна ҳосил олдик. Агар ун 2 сўмдан сотганда ҳам 100 миң сўм деган гап. Ёки бўлмаса картошкани олайлик. Унинг 15 миң сўми ташил этди. Бу ҳаммаси эмас. Эртанги кундан кейин унинг ўрнига қарам, сабзи экиш мумкин. Бу яна қўшимча 10 миң сўм берди. Ҳўш, шундай экан, нега энди пахтакор хўжалик фақат пахта экиш керак. Аксинча, биз бу усулдан мўтлақ воз келаямиз. 1992 йилда канопни 50 фоизга, бошқа толали экникларни ҳам қисқарттириш озиқ-овқат маҳсулотларини икки-уч баравар кўпайтиришимиз. Менимча, бу ишни ҳамма жойда амалга ошириш керак.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, техника эканларидан олинган (пахта ва бошқаларни назарда тутишган) ҳосилнинг 20—30 фоизини тўлиқ хўжаликларнинг ихтиёрида қолдириш керак. Бу ҳосилни ўзимиз пировард натижага етказиб, истаган жойимизга сотайлик. Бу нима бериши деген: аввало қўшимча фойда, иккинчидан, бу ҳосилдан олинган чигитдан ёт олишми, куньяра ва шөлхуа етиштиришимиз мумкин. Бу жамоа хўжалиги чорвасини ҳам колхозчиларнинг қорамолни ҳам емиш билан таъминлашдаги энг катта имкониятдир. Шу тариқа муста-

Энди кўрилаётган масалаларга тўхташам. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирдан муҳим. Тўғри бирон масала юзасидан музокарада ҳар бир депутатнинг сўз олиш ҳуқуқи бор-ку, аммо сўзни кўрилатган ана шу масалага тиши ўтадиган, унинг паст-баландини таҳлил эта оладиган кишиларга берсак тўғрироқ бўлади. Масалан, буюрич ҳуқуқий қонун муҳокама этилаётганда унга далачилик бригадасининг бошлиғи ёки ишчи ва бошқа соҳага кишиси жўяли ўзгартиш киритолмайди-ку. Демокчилик, ҳар бир масалани муҳокама этишда ана шунга эътибор беришимиз керак.

Ўтган гапни сессияларнинг бирида ёшлар тўғрисидаги қонун муҳокама этилди. Унда ўқувчи ва талабаларни ўқув жараёнида қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш ман қилинади, деган боғиба эътироз билдирдик. Менинг тақлифим кенг мунозаратга сабаб бўлди. Қўнчилик уни нотўғри тушунишди. Ваҳоланки биз ёшларда шу вақтдан бошлаб ишга қўнчимиза ҳосил қилмасан, деҳқончилик билан озорқ бўлса-да таништириб бормасан, эртага улар қандай қилиб бизнинг ўрнимизни эгаллашади. Ахир халқимизда бола болдан деган гап бор. Мен бу билан ўқувчи ва талабаларни ҳамма вақт қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш керак, демокчимасан. Аксинча, бу ишни метёрида қилмас фақат фойда бўлади. Масалан менинг 5 фарзандим бор. Улар сингир, қўй, товуқ боқади. Томорқда қўнчилаштиради. Бунинг нима-ки ёмон. Хуллас кенг муно-

унутмаслик керак. Яқинда қизиқ бир воқеа рўй берди. Бозорга тушиб тўрт бош совлиқ харид қилдик. Буни кўрган кўни-қўнчилар, маҳалла-қўндағилар тинчликми, дейишди. Мен уларга чорвани кўпайтирган кам бўлмайди, дедим. Буни қарангки, бунда бир гап бор дейишдики. Ҳар ҳолда ортимдан эргашинди. Яқинда кузатсам қишлоғимизда қўйлар бош соғин икки-уч баробар ошди. Хурсанд бўлдим. Халқда бери давлат-да! Қолаверса, эртага гўшт, ёғ ўзидан чиқди, чорваси тўйига, ҳашамга-йради.

Менинг раҳбар сифатида ҳам, депутат сифатида ҳам мақсадим битта. Ўз фуқароларимизни ҳимоя қилиш. Унинг яхши-ёмон кунини бағрига бўлиш. Қўлдан келганча ёрдам бериш. Зеро, бунинг меҳнатчан, нафосан халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ўйлашманки, биз мустақил давлат сифатида иш бошлаган 1992 йил Ўзбекистонликлар учун ўзгартишлар йили, қўт-баракка йили бўлади.

— Айтганингиз келсин, 1992 йил ҳамма соҳада яхши томонга ўзгартишлар даври бўлсин. Энди рўзнамага қандай истақларингиз бор?

— «Тошкент ҳақиқати» рўзнамасини мунтазам ўқиб бораман. Истагим битта: қадар топётган ўзбек деҳқонлари ҳақида, уларнинг фидокорона меҳнатларини тўғрисида кўпроқ ёзиллар. Чунки эртанги куннинг дастурхонини тўқин қиладиган, бозорларда серобгарчилик яратадиган кишилар ана шу замин фарзандларидир.

Суҳбатдош
Ф. МУҲИДИНОВ.

Вилоят ички ишлар бошқармасида

Вилоят ички ишлар бошқармасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар якуни муҳокима қилинди. Бошқарма бошлиги, милиция полковниги Комилжон Ғофуров жамоанинг маънафакатли меҳнатлари эвазига қўлга киритилган ютуқлар ҳамда жалда қилинган вазирига тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Ички ишлар органлари ходимлари ўтказган тадбирлар натижа-сида жиноят қилувчи бўйича дуруст кўрсаткичларга эришилди. 1991 йил бошидан бери 150 та жиноят кам содир этилганлиги қайд этилди. Утган йили 1990 йилга нисбатан 300 та жиноят кам содир этилган. Шунингдек бошқа хил жиноятлар ҳам сезиларли даражада камайиб бормоқда. Утган йилнинг декабрь ойида рўқатчилик, қурол-яроғ ва портловчи ҳамда тўғридан, кучли таъсир қилувчи моддаларни ўғирлаш ҳолатлари рўй бермади.

сонин ортиб бормоқда. 14 декабрь кунин Олмалиқнинг Олмалиқой кўчасидаги 223-ўйида тоғ-металлургия комбинатининг 2-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси 57 ёшли Т. Алиқулнинг жасоди топилиди. Унинг ўлими сабаблари қидирилмоқда. Шу ойда Чиноз районидagi умумий оқватлини муассасаси буюртмаси М. Қўшқов Катта Ўзбек трактининг 64-километрида «ЗА3-968» автотранспортини бошқариб бо-

да чоралар қўллаш лозимлиги ҳақида аҳолидан хатлар келиб турибди. Чунки жамиятнинг ашу нагузал-маётган иклати одамлар тинчлигини бузиб, ички ишлар органлари ташвишлари-ни кўпайтирмоқда. Утган йилнинг декабрь ойида Паркент район ички ишлар бўлими ходимлари «ВА3-2103» ТШФ 13—30 давлат номерли автомашина олиб қочилганлиги ҳақидаги хабар келган заҳоти зудлик билан қи-

бинин эканлигини маълум бўлди. Уғирланган моллар унинг ёнидан топилиди ва эгасига қайтарилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошқармачи уриносари, милиция подполковниги Бахтиёр Сиддиқов раҳбарлигида иш олиб бораётган тезкор гуруҳ ходимлари-нинг фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Шунингдек, милиция подполковниги Муродқўжа Гурӯҳқўжаев бошчилигидаги кўрсаткичли жиноятчиликка қарши кураш, милиция подполковниги Абдулла Убайдуллаев раҳбарлигидаги моддий бойликларни жумхуриятдан ташқарига олиб чиқишнинг қўнғулигини назорат қилиш бўлими раҳбарига жиноятчиликни бош этдилар. Давлат мулкани талон-тарож қилишнинг 507 та ҳолатлари аниқланди. Утказилган тегиришлар давомида харидорлар ҳақида ҳиёнат қилишга уринган 189 нафар савдо ходими қўлга туширилди, оқиқ савдодан яшириб қўйилган оқиқ-оқиқ маҳсулотлари, камб саноат моллари топилиб, харидорларга сотилди.

Ички ишлар органлари ходимлари жамоатчиликнинг мададига муҳтожидилар. Жамиятнинг янги равижга катта зарар келтираётган турли жиноий ҳаракатлари бир ёқадан бош қикариб, ҳамма бирдек курашиб бартараф этиш мумкин.

М. МИРСУВРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси маъбуот маркази раҳбари.

ЖАМОАТЧИЛИК МАДАДИГА МУҲТОЖМИЗ

раётиб; 40-мактабнинг 8-синф ўқувчиси С. Сайдаҳмедовни босиб кетди. Натижада бола ҳаётдан кўз юмди. Маэстик туфайли рўй берган жиноятлар ҳам учраб турибди. 12 декабрь кунин туғи соат иккиларда Оҳангарон шаҳар савдо тармоғи ички О. Жапполов дўстнинг қўлига меъридан ортинча ичиб қўйди. Гирт кайёр бўлиб қолди. Меҳмон ичкини меҳмон И. Геникнинг қорнига қўйилганда ички санди. Энди-гина 19 ёшли кўрган йигит беъанини жанжал туфайли шифохонада вафот этди. Ички ишлар бошқармасига ўғирларга қарши фақулд-

дирувга киришиб, ҳеч қаерда ишламайдиган 23 ёшли И. исми йигитни қўлга олдилар. Ашвэй дилилар терговга топширилди. Ғалаба районидagi «Деликатес» кооперативи ички 17 ёшли А. Ким кооперативдан «Панасон» магнитофон ҳамда Тобота автомашинасини таъмирлаш асбобларини (жамми 2500 сўмлик) ўғирлаб кетган. Тошкент районидagi «Ўзбекбирлашув» саноат-ириши ходими С.нинг уйидан 1200 сўмлик кийим-кечакларни ўғирлаган жиноятчи бир неча соатдан сўнг қўлга туширилди. У яшаш жойи номаълум 30 ёшли П. Тру-

Нарсаларни олишди. Катта тўрт бурчакли қора сумкани ва яна бир спорт сумкасини олишди. Штатини машинада қолдиришди. — Ҳозир Ногин ва Куриннойлар қаерда? — Йўлда кетишмоқда. Олдинда одамлар бор. — Ердими узала туша бошлайди, уни титроқ босади. У худди совотгандек эди, кейин томилари тортишиб қалтирайди. — Сен хавфдан ҳолиссан. Ногин нима деб жавоб бермоқда? — У суратга олиш — бизнинг касбимиз, биз совет журналистларимиз деб жавоб бермоқда. Уларни ертўлага олиб тушиб кетишди. Улардан ташқари у ерда яна икки киши...

ЭКСТРАСЕНС



санг-чи, қарай — Уерда кексалар, болалар... Менга кўрқинчли... — Кўрқма, сен тирик қолсан. Улар отабган кишилар қанчалиги биз учун муҳим. — Ердими олдинга қараб, лабларини пичирлатади. — Уттиз учтаё. Бу дахшатли! Улар йиқилмоқдалар. Додлашмоқда. Кексалар, болалар, — Ногин ва Куринной қаерда? — Улар четда. Суратга олишди. Камера билан. Куринной кишилар улар томон кетишмоқда. Уларни олиб кетишди. — Уларнинг орқасидан бор. Орқада қолма. Қаердасан? — Қандайдир идорадаман. Шафлар, темир сандиқлар, автоматли кишилар ҳам кўп. Виски ичишти. Стол нарвини деб наптан ўтирибди. Ҳа, менимча, капитан. У ҳарбий формада — буниси аниқ. У Но-

ШИРИН НИГОР

(ҚУШИҚ) «Менинг ҳолим сўроқлаб келмайдиган ширин нигор», Шу бонс ҳам зоринин билмайдиган ширин нигор, Бу фаробини кўзга ё йилмайдиган ширин нигор? — Десам, ўйнаб қокулани жимайди ширин нигор, Шунча нозини ким учун асардинг айтгин, нигор! Тўлин ойна қалбимдек тилиб икки қош қилдинг, Сурма тортиб кўзларга кўзларини ёш қилдинг, Оқир бу кун ноз билан нимтабассум кўрсатиб Қалбинг яширган ширин бир жимайди фох қилдинг. Шунча нозини ким учун асардинг айтгин, нигор? Севилганим рост бўлсин, севилганим чин маним, Ичкингдан гоҳ тельба ўй бўлганлигим чин маним, Тондим сени сўроқлаб, топганлигим рост бўлсин, Бу жаҳонга сени деб келганлигим чин маним, Етишсин дил муродга — ёнимга қайтгин нигор!

ДИЛБАРИМ

Дилбарим келди бу кеч, дейман, ки тоғ ҳам отмасин, Ногоҳон айлаб наволар бўлди уни уйғотмасин. Эй шамол, зорим эшит, етказ қўёнга арларим, Тирнаб юзюмини шуъласи кўзларим йиғлатмасин. Маст эрурман бу кеча васлин шаробин силқориб, Бу бевафо дунё мени то қиёмат қўзғатмасин... Дилмуроднинг кўксини тилганим бас ҳажринг тиги, Юмма кўз бу кеч кипригинг тийги кўксига ботмасин.

ТУЮҚЛАР

Бераҳи киприқларига доғли дилимни тилдурур, «Қанча еста, шунча тилги, бағрим — мана тил, — дурур! — Деб айтқон эрдим, кетди ул ой бирла киприқ ҳам нингоҳ, Ваҳки, бу узлатга бонс ёр эмас, бу — тил дурур! * * * «Бонс дардинг недур?» «Телба бу кўнгул!» — дедим, Мен ўзим дардман, табиқлиққа ўзинг кўнгул, дедим, Кўлди-ю айтди яна: «Йўқ десам чоранг недур, — ой ошинг!» — гул дедим. Дилмурод САИДОВ.

— Юк машинасининг номери, тезроқ айти! — ВК 777—010. — ВК — демак, Вуковар шахри бўлиши керак! Сен у одамдан килкилгини сўрай оласанми? — Кўрқилган. — У ҳолда унга яқинлашгинда, кўрак чўнтагига назар сол. Хужжатларини кўр. Бу осонми. Дадирроқ бўл. Кўрдингми? — Ҳа. Гувоҳномасини кўр. Биринчи январда турилган. Тутилган жойи — Гембург. Хужжати Вуковар полицияга уюшмаси берган. — Яхши, тушунарли. Лекин камера, бошқа аппаратлар қаерда? — Улар идорада, темир сандида. Уларни Вилимо Исмет исми-шарифли одам кўйиб қўйган. — У хавратим ёки сербми? — У албан. — Ногин ва Куринной жой — Богичеви қишлоғи. Полиция кўчаси. — Сен бу ерда халиданок танишларингни учратдингми, дейман! — Ҳа, Балта Дамирини. — У ҳақда нималарни биллиб олдинг? — У Вуковардан эмас, Балки Карловцидан. Унинг гувоҳномаси сохта. — Тегириши керак. Ҳозирок сен Карловцига борасан. Полицияга кирасан. Гувоҳнома берадиган бўлиминг номини айтиб «Б» ҳарфи билан бошланадиган қартовекаларни кўрасан. Сен ҳозирок Карловци шахридаминсан! — Ердимнинг нафас олиши қийинлашди. — Ноҳус хид. Қанақадир бадбўй... — Парво қилма, муҳим қартовекани топиш. — Топдим. Лекин «Б» ҳарфида Балта Дарко бор. — Унда «Д» ҳарфини қидир. — Бор. Дамир Балта. 1967 йил 16 мартда турилган. Карловци шахрида. — Ҳозир Ногин ва Куринной қаерда? — Улар ертўлада. — Бугун нечани кун? — Йигирма тўққизинчи октябрь. — Уларнинг кўриниши қанақа? — Емон. Уларга егулик ва сувни кам беришмоқда. Соқоллари ўсиб кетган. Кир-чир. Лекин ўзларини яхши тутишмоқда. — Улар қайтишадими? — Билмайман. — Ҳарҳолда, биз Виктор Ногин ва Геннадий Куринной билан нима бўлганлиги тўғрисида ҳақиқатини билмадимми? — Билмадим. — Қачон? — 1993 йил 15 июлда, пайшанба кунин.

Мен Михайло Стошчининг сеансидан кўйиб олган ёзувини қайта-қайта ўқийман. Унда унчалки ишончли бўлмаган жойлар кам эмас, тажрибани кузатувчилар ҳам буни таъкидлашди. Айна пайтда ҳақиқатга ўхшаш жойлари ҳам етарли. Исм шарифлар, манзиллар, машиналарнинг номерлари, хужжатлар жуда кўп. Лекин бу деталарни бугун тегириши имкониятини йўқ, Виктор ва Геннадий ортидан ёрдими юрган жойлар ҳамон ўқ остида. Ҳарҳолда, биз энди ҳақиқатга яқинимиз. Югославияга келган совет терговчилари гуруҳларининг қўлларидан Ногин ва Куриннойнинг йўқлиги қилишга оид бир неча вариант мавжуд. Улардан ҳар бири амалий ўрганиб чиқилди.

ИЗ ОЛМОҚДА

— Энди сен машина нима бўлганлигини биллишиңг қара. Йўл четиди ариқча тушиб кетилган жойини эслаб қолдингми? Уша ақча тезроқ қайт... Машина қани? — Олдинг жойида. Олдинг ва орқа оналарни синдирилган. Ташки қўзғуларидан бири ва ичкаридаги кузатувчи кўзга ҳам синган. Ҳозир машинари ариқдан олишди. Юк машинида қандайдир одам бор. Юк машинида махсус қуримла — темир арқон ўралган чигир. — Унинг номерига қара. — Номер йўқ. Лекин бу Палитиве кўчаси. — Баркавалла. Энди энг муҳим. Утинчи кишилардан бу аҳоли истикомат жойи нима деб атайлишини оёрашга ҳаранат қил.

В. ГОРЛОВ, «Комсомольская правда» рўзмонасининг 4 январь соиндан.

Адабиёт ва санъат

Халқ ижоди — қайнар булоқ ОЛТИН ОШИҚ

ХАЛҚ ижоди — бамисоли қайнар булоқ. Асрлар ардоғида сайқалланиб келган жозибали мисрлар халқини зафарқорининг олмос қатралари ҳисобланади. Хилма-хил жанрлардан иборат ўзбек халқ ижодиётининг «олтин сандиги» номинан — аждодларимиз томонидан яратилган маданий мероснинг энг қадимий ва нафис намуналаридан баҳраманд бўлиш имконини беради. Шу боисдан биз ҳам бир неча йиллар давомида жумхуриятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида фольклор экспедицияларида бўлиб, ўзбек халқ кўшиқларига доир қимматли материалларни тўпладик. Хусусан, 1983—1989 йилларда Тошкент вилояти қишлоқларида бўлган ижодчилик самимий қалбларидан сизилиб чиққан кўшиқларнинг муноси оҳанглари тингловчини сеҳрлай олишдек ноёб қудратга эга эканлигига амин бўлдик. Зеро, кўшиқ — нафосат, сўз — ҳаётнинг жозибали жилоси экан. воҳа кўшиқла-

рининг икром усули гоёт нолик, даладаги долзарб меҳнат ҳам, тўй-ҳашамлардаги расм-русумлар ҳам кўшиқга жо бўлган. Аниқ бир энчилик билан икром хонадон остонасига қалам қўйган келиннинг пойига ҳам кўшиқдан поёндоз тўшайдилар. Биз изланишларимиз натижасида Тошкент воҳасининг тўй маросими билан боғлиқ ёр-ёр, келин салом, шунингден алла, ўлан, болаларини эркаловчи кўшиқлар, мотам маросимида айтадиган йиғи-йўқловларнинг қўлаб намуналарини ёзиб олдик. Ангрэн шахри яқинидаги Қоробог қишлоғида яшовчи 1917 йилда туғилган Яхшигул момо Мирзақуллова, оҳангаронлик 1932 йилда туғилган Турсуной Абдусаломов, Оққўрғон ноҳиясидаги Султон Сегизбоев номли жамоа хўжалигининг 5-бўлимида яшовчи 35 ёшли Машқур Мақсудовалардан ёзиб олинган қадимий тўй кўшиқларидан бири — ёр-ёр намуналарини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Улан, улан, ҳой улан, Ҳойдир бугун, ёр-ёр. Худо муяссар этсан, Тўйдир бугун, ёр-ёр.

Авал бошлаб худонинг Ед атайлик, ёр-ёр. Пайгамбарнинг руҳини Шод атайлик, ёр-ёр.

Пайгамбарнинг қизини Али олди, ёр-ёр. Қиз берди келин олмак Шундан қолди, ёр-ёр.

Пайгамбарнинг қизиди Бахтинг бўлсин, ёр-ёр. Тилло билан қумушдан Таштинг бўлсин, ёр-ёр.

Пайгамбарнинг қизини Ким кўрибди, ёр-ёр. Ота-она меҳрига Ким тўйибди, ёр-ёр.

Пайгамбарнинг қизлари Хадичадир, ёр-ёр. Унг қўлида унг қайчи Тўй бичади, ёр-ёр.

Унинг бичган тўнлари Гўлгуниди, ёр-ёр. Ой келиннинг кийгани Гўлданмиди, ёр-ёр.

Шоҳи қўйлаб эстагига Тўй қонайлик, ёр-ёр. Тўйхона ҳолисига Ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Келин пошша қишлоқнинг Гуллоласи, ёр-ёр. Бек кўёв ҳам элнинг Мард боласи, ёр-ёр.

Икки сандиқ рўбару Ранг беради, ёр-ёр. Икки қўда тенг туриб Тўй беради, ёр-ёр.

Тўйхонанинг ўтини Тарошадир, ёр-ёр. Бек кўёвнинг кийгани Ярашадир, ёр-ёр.

Тўйхонанинг ўтини Юлғун экан, ёр-ёр. Ой келиннинг кийгани Гулгуни экан, ёр-ёр.

Чимилдиннинг тағидан Тондим тумор, ёр-ёр. Қайси боғнинг қизини Кўзинг сузук, ёр-ёр.

Бизнинг уйнинг ортига Қўй келибди, ёр-ёр. Сочин сўмбул қизимга Тўй келибди, ёр-ёр.

Сочин сўмбул қизини Узатайлик, ёр-ёр. Кетмон олиб йўлини Тузатайлик, ёр-ёр.

Ташкент шаҳар 55-хунер-техника билим юрти томонидан «УСМОНОВ Мирзахон Динаворчи номлига берилган Б-213610 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

БУ ҚИЗИҚ!

КИМ ҚАНДАЙ ЯШАЙДИ?

ШВЕЦАРИЯДА энг йирин ҳисобланган СБГ банки жаҳоннинг турли мамлакатлари пойтахтларида турмушининг қиймати бўйича тадқиқот ўтказди. Улар орасида энг қиммат шаҳарлар рўйхатини Шимолӣ Оврўпо мамлакатлари пойтахтлари бошлади. Фақат Токиогина улар билан раёбатлаштириш мумкин экан. Олдинда учта шаҳар — Норвегия пойтахти Осло, Токио ва Финляндия пойтахти Хельсинки турса, улардан кейинги ўринни озгина фарқ билан Стокгольм эгаллаб турибди. Аксинча, Қоҳира, Богота, Манила, Ҳамма, Куала Лумпур шаҳарлари ҳаёт аранглиги билан акралаб туради.

Ҳаёт қийматини белгилашда турли хил кўрсаткичлар ҳисоба олиниди. Шимолӣ давлатлар пойтахтлари аҳолисини ҳақининг ўртача даранаси бўйича Женевадан анча ордада туради. Хельсинкида истиқомат қилувчилар учдан бир қисм кам, Стокгольмда яшовчилар сал кам учдан икки қисм миқдорда иш ҳақи олишади. Харидорлик имкониятлари бўйича Хельсинки 48 та пойтахт шаҳарлар ичида борини 20 ўринини олди, шунга қарамай у Швеция пойтахтига қараганда анча олдинда туради. Европа шаҳарларида иш кунин Осиё—Тинч океани регион мамлакатларидагига қараганда анча қизидир. Чунини, Ослода у йилига 1538 соатни ташкил этади. Франкфуртда эса 1650 ва Хельсинкида 1667 соатдан иборат бўлган ҳолда Гонконгда йиллик иш вақти 2375 соатга етади.

Қўйидаги кўрсаткичлар ҳам қизиқарлидир. Бир килограммлик буханка нонини харид қилиш учун Стокгольмда яшовчи ҳар бир киши 40 дақиқа меҳнат қилиши керак. Хельсинкида эса 27 дақиқа кифоа қилса, Копенгагенда фақат 4 дақиқа давомидан меҳнат ҳақи еттирилади.

«Макдональдс» тезкор-буфетига қолет билан булочка ва бир халтача қовурилган картошка харид қилиш учун стокольмлик 61 дақиқа ишлаши керак бўлгани ҳолда Ослода яшовчи 43 дақиқа, Хельсинки ва Копенгагенда истиқомат қилувчи учун тахминан 40 дақиқа етарли бўлади. Меҳнатда иштирокчиларининг ултра ҳаваси келиши бурганган. Чунки улар бунинг учун 235 дақиқа давомидан меҳнат қилмоғи даркор. Алкоголли ичимликлар ва таъмин нархлари бўйича ҳеч бир шаҳар Шимолӣ Европа мамлакатлари пойтахтларига тенг келолмайди.

ЭЪЛОН ЭЪЛОН

Тошкент вилоятида яшовчи абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари диққатига! «СИГНАЛ» ШИРКАТИ Пойтахтимиздаги Тошкент Давлат дорилфунуни, Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи, Автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Техника дорилфунуни, Иттиҳод дорилфунуни, Молия олий билимгоҳи, 1, 2-Табобат олий билимгоҳлари, Табобат педнатори олий билимгоҳи, Фармацевтика олий билимгоҳи, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент Аграр дорилфунуни, Хуқуқшунослик олий билимгоҳи,

Шарқшунослик олий билимгоҳлари каби олий ўқув юрталарига киришни хоҳловчи абитуриентларини иккинчи марта урта таълим олиш оқсидидаги дастурлар бўйича ЯҚШАНВАЛИК ТАБЕРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Табёрлов дарслари асосан яқшабна қўнлари, кундузи пайларда ўтказилади. Манзилгоҳимизни топши ҳам осон. Бу эса Тошкент шаҳрида ва айниқса, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентларнинг бориш-келишлари учун жуда қулайдир. Машулотларнинг деярли ҳаммасини Тошкентдаги олий билимгоҳларнинг абитуриентларини олий ўқув юрталарига тайёрлашда бой тақрибига эга бўлган юқори малакали ўқитувчилари: фан номзодлари, доцентлар олд бордилар.

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. Мухаррир уриносарлари — 335885, 325747, 325748, 337016; маъсул котиб — 334808, 325353; маъсул котиб уриносарлари — 325750; бўлимлар: пушролар ҳаёти — 325778, 337010; иштирокчи масаллар — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масаллар — 325645; маданият — 325787; адабиёт ва санъат; иккинчи қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ақборот ва спорт — 325556, 336915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; ёллонлар — 325666.